

НОСИРИДДИН ТУСИЙ ТАЪЛИМОТИДА АХЛОҚ ВА АХЛОҚИЙ МУАММОЛАР

Умид Бахтиёрович СОБИРОВ

тадқиқотчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Носириддин Тусий таълимотида ахлоқ ва ахлоқий муаммолар, ахлоқда тарбия жараёни билан боғлиқ илғор ғоялар, жамиятда таълим ва огоҳликнинг ўрни, фарзанд тарбиясида ижобий фазилатларнинг аҳамияти, умуман Тусий яратган ахлоқий таълимот таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ахлоқ, ахлоқий муаммолар, тарбия, жисмоний ва маънавий тарбия, маънавий-ахлоқий боғлиқлик, бахт, инсонпарварлик, илмий ва амалий комиллик.

ПРАВСТВЕННОСТЬ И ПРАВСТВЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ В УЧЕНИИ НОСИРИДДИНА ТУСИ

Умид Бахтиёрович СОБИРОВ

исследователь

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В этой статье на примере учения Носириддина Туси анализируются нравственность и нравственные проблемы, передовые идеи, связанные с процессом воспитания, роль образования и бдительности в обществе. В целом, статья посвящена нравственному учению, созданному Туси.

Ключевые слова: нравственность, нравственные проблемы, воспитание, физическое и духовное воспитание, духовно-нравственная связь, счастье, гуманизм, научное и практическое совершенство.

Ўрта аср мусулмон дунёсининг машҳур қомусий олими Тусий – XIII асрнинг буюк файласуфи, фикҳшунос, мутакаллим, астроном ва математигидир. Алломанинг бой илмий мероси бугунги кунда ҳам кўплаб мамлакатларда ҳануз катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Техронда Ягмайн Иқболнинг ижодига бағишланган “Ўрта асрнинг буюк давлат ва сиёсий арбоби”, француз олими Б.Бадининг Парижда “Мусулмон эллинизмнинг сиёсий фалсафаси. Насириддин Тусийнинг ижоди” номли асарлари чоп этилган бўлиб, немис олими В.Маделунг томонидан мутафаккирнинг фалсафий қарашлари алоҳида ўрганилган [1;1]. Инсоният олдидаги

хизматлари учун фазодаги ойда очилган тоғлардан бири унинг номи билан “Тусий” деб аталган [2;1].

Абу Жаъфар Муҳаммад Носириддин Тусий Хуросоннинг Тус шаҳрида 1201 йилнинг 18 феввалида таваллуд топган. Ёшлигидан илмга чанқоқ бўлган Тусий аниқ фанлар ҳамда ахлоқий масалалар билан ҳам муфассал шуғулланган. Бизгача унинг астрономия, математика ва фалсафага доир асарлари етиб келган. Унинг фалсафий қарашлари Ибн Синонинг шогирди бўлган Баҳманёр таъсирида шаклланган. У ўзининг машҳур асари “Шарҳе ал-ишорот”да Ибн Синонинг фалсафий қарашларини шарҳлаш билан уни мусулмон илоҳиётчиси Фаҳриддин Розий ҳамлаларидан ҳимоя қилган. У ахлоқ ва жамиятшуносликка доир кўп асарлар муаллифидир. Тусий “Ал-муҳокамат бейн ал-муҳокаматайн” (“Икки мулоҳаза ҳақида ўйлар”) асарида мусулмон мутафаккири Абу Ҳомид ал-Ғаззолий билан машоиюн оқимидаги араб файласуфи Ибн Рушд ўртасидаги баҳсни таҳлил қилиб чиққан. У Мароғадаги расадхонанинг асосчиси эди. Унинг астрономияга оид “Зижи Илхоний” юлдузлар жадвали Шарқда ва Ғарбий Европада машҳур эди. Носириддин ўз ижоди билан Яқин ва Ўрта Шарқда табиатшунослик ва ахлоққа оид таълимоти билан муҳим ўрин тутган. У 1274 йилнинг 25 июнида вафот этган. Унинг ватанимизда ва умуман Шарқда кенг тарқалган асари “Ахлоқи Носирий” эди.

Тусий ўз замонасининг кўзга кўринган шахси бўлган. Уни ҳар томонлама билим эгаси эканлиги, ақлий қобилияти ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни кўра билишга ёрдам бериш билан бирга Хулагулар ҳукмдорларига кўпгина масалаларда ўзининг маслаҳатлари билан катта муваффиқиятларга эришишига сабабчи бўлган. Тусийнинг молия-хўжалик ишларини илмий нуқтаи назардан ўрганган озарбайжон олими А.С.Фораджев шундай ёзади: “У инсонларнинг оғир турмуш шароитидан азият чекишларини камайтиришни ўз фаолиятининг асосий вазифаси деб билиб, ҳаттоки камбағаллар, бева аёллар, ногиронлар ва бошқаларга давлат

бюджетидан берилаётган ёрдам пуллари қайта кўриб чиқишни ҳам таклиф қилган” [3;2].

Тусийнинг ахлоқий ғояларида тарбия жараёни билан боғлиқ илғор ғоялар ўз ифодасини топган. Тусий ижодида жисмоний тарбия ва маънавий тарбия деярли бир хил моҳиятга эга. Ахлоқий ва жисмоний баркамоллик бир-бири билан уйғунлашганлиги сабабли жисмоний ривожланиш болаларнинг психологик характериға ҳам катта таъсир кўрсатади. Жисмоний тарбия жараёнида болаларға нисбатан сезгир бўлиш, ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини диққат билан кўриб чиқиш керак. Тусийнинг ахлоқий-педагогик ғоялари марказида инсон зотининг ҳар томонлама таълим ва эволюцияси ғояси турган. Оила аъзолари ўртасида бахт ва бахтнинг шаклланиши учун оиланинг алоҳида аъзолари ўртасида ахлоқий боғлиқлик бўлиши ва шу билан бирга, бу боғлиқлик бир-бирини тўлдириши керак. Агар оила аъзолари ўртасида маънавий-ахлоқий боғлиқлик бўлмаса, оиланинг айрим аъзолари ўртасида норозилик, эр-хотин муносабатларининг сусайиши, фарзанд тарбиясида ғайритабиий ҳолатлар юзага келиши, ота-оналарнинг фарзандларига меҳр-муҳаббат туйғуларининг бузилиши юзага келади, ёки аксинча, болаларнинг ота-оналарға нисбатан қўпол муносабати, қариндошлик муносабатлари аҳамиятсизлиги каби салбий ва нохуш оқибатлар пайдо бўлади.

Ҳақиқий дунёнинг энг шарафли мавжудотлари бўлган одамларда ахлоқий хислатни яратиш фақат ижтимоий муносабатлар орқали мумкин. Тусий кишиларнинг камол топишида ўз-ўзини тарбиялаш жараёни катта рол ўйнашини кўрсатиб, шу билан бирга, бу жараённи инсонларға тўғри сингдириш, бундай йўл билан хатоларға йўл қўймаслик кераклигини таъкидлаган. Тусий дунёқарашиға кўра, маънавий-ахлоқий тарбияланганлик характерлар одамларда туғилишдан бўлмади, бу характерлар кишиларда муҳит таъсирида шаклланади. Ахлоқий характерларни ижобий маънода шакллантиришда тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Бу инсоннинг катта илмий ютуққа эришиши учун мутлақ ва зарурий омилдир.

Тусий жамиятда таълим ва огоҳлик орқали катта тараққиётга эришилади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича олтига белгили кишиларга илм ва билим орқали таъсир ўтказиш, уларни психологик жиҳатдан ўзгартириш мумкин эмас: 1) шафқатсиз шоҳ; 2) порахўр қози; 3) эгасига ёмон хизмат қиладиган хизматчилар; 4) одобсиз аёл; 5) меҳнатдан қочадиган дангасалар; 6) вазифани тўғри бажара олмайдиган ёрдамчилар [4;3].

Меҳнаткаш ва ишбилармон кишиларнинг кадрига етган Тусий одамларнинг меҳнати туфайли бойликка эга бўлишини таҳсинга сазовор жиҳат деб билиш кераклигини таъкидлаган. Тусий ахлоқ фалсафасини амалий фалсафага тўғри боғлаган. Ҳар бир инсон ўз касбий фаолияти давомида қилган барча ҳаракатлари учун жавобгар бўлиши, масъулият ҳисси инсоннинг бутун ички дунёсини қамраб олиши керак.

Тусий одамларни ростгўй бўлишга, ҳақ сўзни айтишга, тўғри йўлда бўлишга ва ундан оғишмасликка даъват этган, ёлғонга, ноҳақ одамларга қаттиқ нафрат билан қараган. Одамларга бир-бирларига ишониб, адоват ва ҳасаддан холи муносабат ўрнатишни маслаҳат берган донишманд ва кўрувчи олим одобли хулқ-атворга асосланган хулқ-атвор қоидаларини юксак баҳолаган. Жамият ва жамиятдаги шахслар бахтли яшаши учун одамлар бир-бири билан соф муносабатларга киришиши зарур. Инсоннинг мулойим характерга эга бўлиши уни комиллик сари йўналтиради ва инсоннинг бахтли яшаши, ҳурмат қозониши учун муҳим рол ўйнайди.

Фарзанд тарбиясига катта аҳамият берган Тусий ота-оналарга болаларга эрта ёшдан оқ ижобий фазилатларни сингдириш ва бу тарбия жараёнида энг кичик жиҳатларга ҳам эътибор бериш кераклигини маслаҳат берган. Ота-оналар ва тарбиячилар болаларнинг ижобий фазилатларини мактаб, уларни ўзини яхши тутишга ундаса, тарбия жараёнида катта муваффақиятларга эришилади. Болаларнинг ёмон одатларга мойиллигини олдини олиш учун уларни атрофдаги қусурга эга бўлган одамлардан узоқлаштириш, болада қусурга нисбатан нафратни шакллантириш керак.

Ана шундай қатъий чора-тадбирлардан сўнггина болаларда ҳаё, садоқат, хушмуомалалик каби ижобий фазилатларни сингдириш мумкин.

Тусий интеллектуал ва жисмоний машқларга асосланган ўйинлар болаларнинг келажақдаги ҳаётига муҳим таъсир кўрсатганлиги сабабли, ушбу жиҳатларга эътибор беришни тарбиявий масалаларда энг муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайди. Чунки баъзилар таълим жараёнида аҳамиятсиз деб ҳисоблаган бу ўйинлар бевосита ва билвосита болалар психологиясига, уларнинг жисмоний характериға кучли таъсир кўрсатади. Қизиқарли ўйинлар болаларнинг кайфиятиға ижобий психологик таъсир кўрсатади ва бу вақтда болаларнинг хулқ-атвор қоидаларида қувноқлик, хушчакчақлик ва шодлик туйғулари устунлик қилади. Болаларнинг жисмоний ривожланишида тиббий-психологик таъсирларнинг ролини тўғри баҳолаган Тусий ўзининг деярли барча асарларида жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида гапирган. Болаларнинг қувноқ, соғлом, иродали бўлиб улғайишлари учун уларни қийинчиликларға кўниктириш керак, чунки ҳаддан ташқари эркаланиб улғайган болада на маънавий поклик, на жисмоний баркамоллик қарор топади. Болаларнинг жисмонан соғлом ўсиши учун қуёш, сув ва тоза ҳавоға бўлган асосий эҳтиёжини ҳисобға олиш керак.

Тусий инсоннинг жисмоний саломатлиги билан мукаммал руҳий саломатлиги ўртасида ҳеч қандай фарқни кўрмади, у руҳий саломатликни амалда фойдали иш билан шуғулланишда кўрди. “Ахлоқий-Носирий” асарининг “Эзгуликларни сақлаш шарти бўлган қалб соғлиги ҳақида” бобида бу ҳақда ўз фикрларини инобатға олиб, одамларни ҳар бир ишда ҳаддан ошмасликка чақирган ва бу нуқтада буюк юнон файласуфи Аристотелнинг мўътадиллик ҳақидаги ғояларини қўллаб-қувватлаган.

Тусий бу борадаги фикрларини давом эттириб, шундай ёзган эди: “.... агар қалб соғлом ва фазилатли бўлса, донишмандлик ўзлаштиришға, бахтға эришишға, ҳақиқий илмларни эгаллашға алоҳида иштиёқ ва майл бўлса, унинг эгаси вазиятни сақлаб қоладиган ишларни қилишға ҳаракат қилиши, зарур чораларни кўриши керак... [5;5].

Тусий кундалик мунтазам ва меъёрий овқатланишнинг инсон саломатлиги ва инсон ҳаётига ижобий томонлари ҳақида сўз юритар экан, инсонларда юксак қадриятларга эга бўлган ахлоқий фазилатларни шакллантиришни маслаҳат берган. Олижаноб ишларга, олижаноб туйғуларга хизмат қилувчи инсон овқатланиш вақтида ҳаддан ташқари ишларга берилмаслиги керак, чунки тўйиб овқатланаётганда ҳаддан ошиб кетиш ва айниқса, оғир таомларни истеъмол қилиш онгни зерикарли қилади, одамни бефарқ, лоқайд, ҳорғин қилади. Шу билан бирга, кўплаб касалликлар кўп овқатланишдан келиб чиқади ва шу сабабли инсон ўз кадр-кимматини ақли билан енгитиши керак.

Тусийнинг фикрича, гўзаллик, бойлик, олижаноблик каби белгиларга аҳамият бериш муҳим эмас, оила қуришда фақат мулкни муҳофаза қилиш, наслини давом эттириш каби асосий мезонларни ҳисобга олиш муҳим. Донишманд мутафаккир “Ахлоқи-Носирий” асарида оила қураётган кишиларга бу масалада атрофлича баҳс юритишни маслаҳат беради, оиланинг асл моҳияти ҳақида атрофлича изоҳ беради. Эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг барча тафсилотларига эътибор бериб, яхши аёлни она ва дўстга, ёмон аёлни душман ва ўғриларга қийслайди. Турмуш ўртоғи танлашда аёлга гўзаллик нуқтаи назаридан баҳо бериш яхши эмас, барча соҳаларда бўлгани каби бу масалага ҳам мўътадил позициядан ёндашиш керак. Тусий бундай аёллардан узоқлашишни маслаҳат беради. Чунки ёлғончи, ахлоқсиз, ўзини тутиш қоидаларига тўғри амал қилмаган нолойиқ аёллар нафақат оилага, балки умуман жамиятга катта зарар етказиши мумкин.

Ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан фан тарихида ўчмас из қолдирган Носириддин Тусий одамларни халқ орасида ҳурмат қозонишга чақирган. Инсон ва шахсда тўртта хусусият мавжуд бўлгандагина ҳурматга эга бўлиш йўли ўрнатилиши мумкин. Бу тўртта инсонпарварлик белгилари: ростгўйлик, хушмуомалалик, бахт ва билимдонлик. Ана шу тўртта ижобий хислат туфайли инсон жамиятда беқийс мавқега эга бўлиши мумкин, ана шу

тўрт белги ёрдамидагина жамият ҳурмат қиладиган шахс даражасига кўтарилиши мумкин.

Тусий кишиларнинг илмга муносабатига кўра, тўрт белгига бўлинишини таъкидлаган: 1. Ўз билимларини бошқаларга ўргатадиган олимларни ҳурмат қилиш керак. 2. Ўз билими билан мақтанадиган савияли одамларни танқид нишонига айлантириш керак. 3. Нодон ва илмга интилаётганларга илм ўрганишга ёрдам бериш муҳим. 4. Илм ўрганишга ғафлат ва бефарқ одамлардан ўзни узоқ тутиш керак [4;7].

Носириддин Тусий яратган ахлоқий таълимотда меҳрнинг ўнта ижобий сифати жуда муҳим ўрин тутди. Бу ўнта ижобий ахлоқий хусусият:

1. Ёлғон гапирманг, чунки ёлғон гапириш ҳурматингизни йўқотади. 2. Инсоф билан муносабатда бўлиш – Тусий мулоқотда адолатни устувор деб ҳисоблаган. 3. Камчиликни бошқалардан қидирмаслик – чунки одамларнинг камчиликларини фош қилиш орқали сиз уларни шарманда қилишингиз мумкин. 4. Халқнинг гуноҳини енгиш буюклик белгисидир. 5. Агар кимдир ёмон иш қилган бўлса, ёлғон гапирса, дўстини хафа қилса ёки борлик ҳақида нотўғри гапирса, кечирим сўраш зарурий узрдир. 6. Ҳар хил азоб ва машаққатларга бардош бера олиш – чунки бахтга эришиш учун ҳар бир инсон ўз олдига келган машаққат ва азобларга дуч келиши керак. 7. Ўз ўзини тартибга сола олиш – фақат иродали одамлар буни қила олади. 8. Ўз айбини бошқаларнинг айбидан афзал кўриш – чунки айб излаш энг катта хатолардан биридир. 9. Ҳамма билан мулойимлик асосида муомала қилиш. 10. Инсон ўзини бошқалардан устун санаб, мақтанмаслиги керак – инсонда юксак туйғулар бўлиши, қалбидаги худбинлик туйғуларини бостира олиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Тусий одамларга руҳини ҳар хил ифлосликлардан сақлашни маслаҳат берган, чунки руҳи нопок кишилар маънавиятнинг энг қуйи поғонасига ўрнашиб олганлар. Комил инсон доимо илм эгаллашга интилади ва бундай кишининг ягона вазифаси ҳақиқатни англашдир. Инсон фақат икки жиҳатда, яъни билим ва амалда комил

бўлиши мумкин. Илмий комиллик билим тўплашга хизмат қилса, амалий комиллик эса одамлар томонидан маъқулланган ахлоқий қоидалар билан тавсифланади. Илмий камолотни амалий комиллик билан тўлиқ уйғунлаштирган киши бахт ва саодатга эриша олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Рзаев А.К. Туси., Ташкулов Д. Дониш Из истории политической и правовой мысли. – Москва: Юридическая литература, 1990.
2. Шоиштиёров Х. Социальная философия Насриддина Туси. – Душанбе, 2009.
3. Фараджаев А.С. Зарождение и развитие экономической мысли в Азербайджане в эпоху феодализма. – Баку, 1986.
4. Хасə Nəsirəddin Tusi. Əхақи Nasiri. (Tərcümə R. Sultanovundur). Bakı, 1989.
5. Karakaş M. Müsbet ilimlerde müslüman alimleri. Ankara: 1991.